

Саудия ҳукумати аёлларга зиёратгоҳларни бошқаришга рухсат берди



11:10 / 11.08.2021 1818

Саудия Арабистони ҳукумати тарихда илк мартаба аёлларга мусулмон зиёратгоҳларини бошқаришга рухсат берди. Икки муқаддас жойнинг бош раиси Абдулрахмон Судайс зиёратчилар билан алоқаларни ривожлантиришда унинг ёрдамчилари сифатида икки аёл Ануд ал-Абуд ва Фотима ар-Рашид тайинланганини эълон қилди. Бу ҳақда Ал-Арабия телеканали хабар берди.

Бундан ташқари, зиёратчиларни қабул қилиш сифатини яхшилаш мақсадида 320 аёл ходимлар махсус дастур бўйича малака оширади.

Саудиялик диншунос олим Муҳаммад Абу Ҳафс ал-хуррай телеканалига берган интервьюсида, ушбу қарорни «жиддий қадам» деб атади ва Саудия Арабистони каби консерватив давлатда бундай тайинланишларни тасаввур қилишнинг иложи йўқлигини тушунтирди.